
Қува-Асака чегарасини туташтирувчи автомобил йўли таъмирланади.
Ижтимоий тармоқлар орқали Қува-Асака чегарасида жойлашган назорат постлари олинмаганлиги юзасидан фуқаролар томонидан бир қатор эътирозлар бўлмоқда.

Ушбу масала юзасидан шуни маълум қиламизки кучайтирилган карантин даврида автомобилларни ҳамда ҳудудни дезинфекция қилиш натижасида йўлнинг қатнов қисмининг 1 км масофада жойлашган автомобил йўли яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳозирда мазкур автомобил йўлини асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Уйлаймизки тез кунларда таъмирлаш ишлари якунланиб, Қува-Асака чегарасида жойлашган бетон тўсиқлар олиб ташланади.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-08-28 14:10:13